O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№57 (810) 2024 йил 6 август, сешанба
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

**Бир бўлсак – ягона халқмиз, бирлашсак – Ватанмиз!**

# Сирдарёда янги уйлар ўз эгаларига топширилди









**Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 33 йиллиги байрами олдидан Сирдарё вилояти Ширин шаҳрида Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун қурилган хизмат уйлари фойдаланишга топширилди. Шунингдек, Янгиер шаҳрида барпо этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида ҳам 400 хонадонли 20 та уй ҳам ўз эгаларини кутиб олди.**

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тантанали тадбирда вилоят ҳокими, ҳарбий-маъмурий сектор раҳбари Акмалжон Маҳмудалиев, шаҳар сектор раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, нуронийлар иштирок этди. Хонадон соҳибларини самимий қутлаган вилоят ҳокими Президентимиз ташаббуси билан ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталди. 4 қаватли 28 хонадонли уйда зарур барча қулайликлар яратилгани айтиб ўтилди.

“Янги Ўзбекистон” массиви лойиҳаси икки босқичли бўлиб, 16 гектарли ҳудудда 50 та кўп қаватли уй ва ижтимоий инфратузилма объектлари бунёд этилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда тайёр ҳолга келтирилган илк уй-жойларга аҳоли кўчиб кирмоқда. Йил якунига қадар яна 30 та кўп қаватли уй қуриб битказилади. Бундан ташқари, маҳалла маркази, замонавий таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуаси, савдо ва маиший хизмат шохобчалари қад ростлайди. Аҳоли барча ижтимоий хизматлар билан таъминланади. Бўш майдонга дарахтлар экилиб, хиёбонга айлантирилади. Эътиборли жиҳати, аҳолини иш билан таъминлаш учун массив яқинида кичик саноат зонаси ташкил этилган. Унда бугунга қадар 21 та лойиҳа жойлаштирилган ва 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилган.

**ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА**

## Россиялик ҳамкасблар билан учрашув

**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигида Россия Федерацияси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Сергей Музиченко бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Унда вазир ўринбосари Тоир Алиматов ва бошқа масъуллар иштирок этишди. С. Музиченко Ўзбекистонда уй-жой ва коммунал соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, рақамлаштиришга оид олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳамда “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимининг имкониятлари билан танишди.**



Вазирлик масъуллари Даврон Милиев ҳамда Марат Загруддинов учрашув қатнашчиларига “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими ҳақида ўз тақдимотлари орқали маълумот беришди. Мазкур тизимнинг асосий модуллари сифатида “Қурилиш соҳасидаги давлат хизматлари ахборот тизими” платформаси орқали бино ва иншоотларнинг ташқи кўринишини ўзгартиришни келишиш, уларнинг ихтисослашишини ўзгартириш, қайта қуриш, реконструкция қилиш ҳамда ўз ҳудудида қўшимча бино ва иншоотларни қуришни лойиҳалаштиришга рухсатнома бериш, архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишлари тугалланган объектдан фойдаланиш учун рухсатнома бериш, кўчмас мулк бузилишга тушган ёки тушмагани тўғрисида маълумотнома бериш каби бир неча давлат хизматлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш бўйича ахборот тизими тўлиқ рақамлаштирилди. Бунда ариза берувчилар уйдан чиқмаган ҳолда мурожаат қилишлари ва қисқа муддатларда тегишли экспертиза хулосаларини олишлари мумкин. Энг муҳими, онлайн равишда аризанинг ҳар бир босқичини мониторинг қилиш имконияти яратилган. Қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтингини аниқлаш тизимига бугунги кунда республикада фаолият юритаётган кўплаб пудрат ва лойиҳа ташкилотлари киритилган. Навбатдаги модул қурилиш соҳасида кўрсатиладиган электрон хизматларни мониторинг қилиш ва ҳар бир объект кесимида босқичма-босқич амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни ўзида жам қилган “Мақсадли дастурлар мониторинг” электрон тизимидир. Ушбу тизим “Шаффоф қурилиш” тизими қошидаги бошқа тизимлар ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилинган бўлиб, бу ўз навбатида амалдаги муаммоларни ечиш имконини бермоқда.

Учрашувда Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори Шерзод Содиқов ҳамда вазирлик масъули Азизхўжа Азизов меҳмонларга “Қурилиш ресурслари миллий классификатори”, БИМ технологиялари ва “Ҳажм услуби” ҳақида тақдимот қилдилар.

## Ҳудудларни ўрганиш ишлари давом этмоқда

**Вазирлик мутасаддилари томонидан ҳудудларда олиб борилаётган ўрганиш ишлари давом этмоқда. Навбатдаги манзил Сирдарё вилояти бўлди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири ўринбосари Тоир Алиматов ҳудудда барпо этилаётган ижтимоий соҳа объектларидаги қурилиш жараёнлари билан танишди. Ўрганиш жараёнларида Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг Пудрат бозори ва меҳнат муҳофазаси бўлими бошлиғи Баҳодир Каримов, Уй-жойлар қурилишини ривожлантириш бўлими бошлиғи Баҳром Назаров ва ҳудудий инспекция мутасаддилари ҳам иштирок этишди.**

Мутасаддилар Гулистон шаҳри Бўстон маҳалласидаги 504 ўринга мўлжалланган ихтисослаштирилган умумтаълим мактабидаги қурилиш ишларини кўздан кечирар экан, қурилиш маданиятига қатъий риоя қилиниши кераклигини алоҳида таъкидладилар. Ўрганишлар жараёнида армокаркаслар монтажида ва объект иш ҳужжатларидаги камчиликлар жиддий эътирозга сабаб бўлди. “Аҳиллик” МФЙдаги 11-сонли мактабнинг реконструкция қилиш жараёни ҳам кўздан кечирилди. Объект буюртмачиси “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” Х/К ҳисобланади. Ўрганишлар давомида ғишт териш ишларида оралиқни тўлдириш талабларига етарлича эътибор қаратилмагани аниқланди. Ишчиларга техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш лозимлиги тушунтирилди.



Сирдарё вилоятига ташриф давомида Тоир Алиматов Боёвут тумани “Янги авлод” МФЙда бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивидаги кўп қаватли уйларнинг сифатини кўздан кечирди. 9 қаватли 72 та хонадонни ўз ичига олган объектнинг буюртмачиси “Гулистон капитал стандарт” МЧЖ бўлиб, объект 2025 йил 1 мартда қуриб битказилиши режалаштирилган. Ўрганиш ишлари давомида қурилиш маданиятига амал қилинмаётгани, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмагани, қурилиш ҳудуди ўраб олинмагани, объект майдони чиқиндилардан тозаланмагани танқид қилинди. Шунингдек, Янгиер шаҳрида бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви ҳам кўздан кечирилганда, объектда қурилиш ишлари қониқарсиз аҳволда эканлиги, қурувчилар махсус кийим-бошга эга эмаслиги маълум бўлди. Масъулларга қурилиш маданиятига доимий риоя қилишлари кераклиги таъкидланди.



Худди шундай ўрганиш ишлари Хоразм вилоятида ҳам олиб борилди. Хусусан, Хонқа туманидаги “Ёш куч” МФЙ ҳудудида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массиви кўздан кечирилди. Мазкур массивда 2810 та квартирали 46 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунга қадар массивда 18 та (5 қаватли, 1-2 ва 3 хонали) 488 та хонадонли уй-жойлар фойдаланишга топширилган. Ушбу массивнинг қурилиши давом этаётган объектларини ўрганиш жараёнида вазир ўринбосари томонидан қурилиш маданиятига амал қилинмаётгани, ишчилар махсус кийим-бош билан таъминланмагани, пойдевор гидроизоляцияси талаб даражасида эмаслиги аниқланди.

Шу билан бирга, тумандаги “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси буюртмачилигида реконструкция қилинаётган 36-сонли мактабда ҳам бир қатор камчиликлар аниқланди. Муассасани жорий йил сентябрь ойида фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Бироқ объектда бажарилиши лозим бўлган камчиликлар талайгина. Вазир ўринбосари бартараф этилиши зарур бўлган масалалар юзасидан масъулларга вазифалар белгилаб берди. Шунингдек, мазкур туманнинг “Ғайрат” МФЙдаги 4-сонли мактабни реконструкция қилиш объекти ҳам вазир ўринбосари эътиборидан четда қолмади. Унда 270 ўринли янги блок ва мавжуд 120 ўринли блокни мукаммал таъмирлаш белгиланган. Жараёнда ишчилар махсус кийим билан таъминланмагани, қурилиш маданиятига амал қилинмагани, пол ва эшик қисмларини ўрнатишда хавфсизлик қоидалари инобатга олинмагани аниқланди. Жараёнда Ҳазорасп тумани ҳудудидаги “Янги Ўзбекистон” массивида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳам кўздан кечирилди. Аввало, пойдевор асосини яратиш жараёнидаги ва лойиҳадаги бир қатор камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди. Шунингдек, қурилиш олиб борилаётган ҳудудда техника хавфсизлигига риоя этилиши таъкидланди.

Вазир ўринбосари бошчилигидаги ишчи гуруҳ Хоразм вилоятида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишиш асносида қурилишга масъул мутасаддилар билан танқидий таҳлилий йиғилиш ўтказди. Унда вилоят ҳудудларида қурилаётган ижтимоий соҳа объектлари ҳамда “Янги Ўзбекистон” массивларидаги амалий ишлар кўриб чиқилди. Вилоят, туман ва шаҳар бошқармалари ҳамда шўъба раҳбарлари, Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси масъуллари, шунингдек, “Ал Хоразмий” ва “Янги Ўзбекистон” массивлари пудратчилари, “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” ДМ Хоразм вилоят филиали директори, инвестиция дастури доирасида қурилиш олиб бораётган пудратчилар иштирок этишди.



Юқоридаги ўрганиш ишлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давом этди. Дастлаб, ижтимоий соҳа объектлари мониторинг қилинди. Беруний туманининг “Лолазор” МФЙдаги 70-сонли мактабни реконструкция қилиш жараёнида айрим камчиликлар кўзга ташланди. Тумандаги 6-сонли мактабни реконструкция қилиш объектида ҳам лойиҳадан четга чиқиш ҳолатлари аниқланди. Элликқалъа туманида “Инфратузилмани ривожлантириш инжиниринг компанияси” давлат муассасаси буюртмачилигида реконструкция қилинаётган 41-сонли мактабни топшириш муддати кечикаётгани, ҳудуд қурилиш чиқиндиларидан тозаланмагани танқидга сабаб бўлди. Масъулларга мазкур мактабни ўз вақтида, сифатли тарзда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилди. Ушбу туманнинг “Шодлик” МФЙдаги 792 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби қурилиши ҳам 2025 йилнинг июнь ойида якунланиши режалаштирилган. Бу объектда ҳам қурилиш маданияти эътиборга олинмаётгани ва ишчиларни махсус кийим билан таъминлашда масъулиятсизликка йўл қўйилгани таъкидланди.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№57 (810) 2024 йил 6 август

# Hamkorlik aloqalari yangi bosqichda

**Jamshid SAIDOV,** Texnik me’yorlash va standartlashtirish ilmiy tadqiqot instituti direktori o‘rinbosari.
**Shohjahon ISLOMOV,** Xalqaro aloqalar va marketing bo‘lim boshlig‘i.

**Texnik me’yorlash va standartlashtirish ilmiy-tadqiqot institutining Xalqaro aloqalar va marketing bo‘limi tomonidan joriy yilning birinchi yarim yilligida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 28-avgustdagi PF 151-son Farmoni hamda Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 23-apreldagi 231-son qarorida belgilangan xalqaro aloqalarga doir masalalar bo‘yicha xorijiy xalqaro tashkilotlar bilan samarali ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, joriy yilning hozirgi davriga qadar 9 ta xalqaro tashkilot – UNDP, IFC, JICA, GIZ, EUD, TIKA, USAID, KOICA, UNICEF bilan 35 dan ortiq uchrashuv o‘tkazilib, hamkorlikka doir masalalar muhokama qilindi.**

Ana shunday uchrashuvlarda UNDP-ning “O‘zbekistonda energiya samarador qishloq turar-joy binolari qurilishini rivojlantirishga ko‘maklashish” loyihasi doirasida “Raqamli energiya resurs markazi”ni tashkil qilishga kelishilgan. Hozirda Resurs markaziga kompyuter jihozlari taqdim etildi. Shuningdek, hamkorlikda “BIMga kirish” mavzusida hududlarda seminar-treninglar tashkil qilinib, amaliy yordam ham ko‘rsatildi.

Bundan tashqari, Yaponiyaning JICA tashkiloti bilan hamkorlikda joriy yilning 19-yanvar kuni “Energiya tejash salohiyatini mustahkamlash va energiya sarfi deyarli nol energiya bino” (ZEB) loyihasi bo‘yicha shartnoma imzolandi. Ushbu kelishuv asosida JICA tomonidan Yaponiyaning energiya samaradorligiga doir normalarini taqdim etilishida hamda institut xodimlarining Tailand va Yaponiyaga xizmat safariga yuborishga kelishib olindi. Qolaversa, IFC bilan joriy yilning 16-may kuni “Yashil binolar” loyihasi bo‘yicha qiymati 230 000 AQSh dollari miqdoriga teng bo‘lgan shartnoma imzolangan bo‘lib, ushbu shartnoma doirasida bir qator yo‘nalishlarda kelishuvlarga erishildi. Xususan, SHNQ 2.07.05-19 “Yashil qurilish. Turar-joy va jamoat binolari” (SHNQ)ni xalqaro talablar asosida takomillashtirish, binolarda energiya audit tizimini tashkil qilishda xalqaro tajribani joriy etish, yashil binolar loyihalari bo‘yicha me’yoriy-huquqiy bazani xalqaro standartlar bilan uyg‘unlashgan holda ishlab chiqish, bino va inshootlarda energiya samaradorligi yuzasidan seminar-treninglar tashkil qilish, “Yashil” binolardan foydalanuvchilar uchun imtiyozlar tizimini yaratish kabilar shular jumlasidandir.

Shuningdek, GIZ bilan joriy yilning iyun oyida “Sharqiy hamkorlik va Markaziy Osiyo, FELICITY II – shaharlar va munitsipalitetlarga kam uglerodli energiyani rivojlantirishni moliyalashtirish bo‘yicha maslahatlar berish” dasturi doirasida Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi tomonidan memorandum imzolandi. Unga ko‘ra, binolarning energiya samaradorligini oshirishga doir 9 ta ShNQni modernizatsiya qilish, Nukusdagi “Pilot” loyiha asosida turar-joy binolari bo‘yicha qo‘llanma ishlab chiqish, hamkorlikda energiya samarador binolarni rag‘batlantirish tizimini yaratish, qo‘shma loyiha doirasida “Energiya audit strategiyasi”ni ishlab chiqishda Germaniya tajribasidan foydalanish qayd etildi.

UNICEF bilan hamkorlikda amalga oshirilayotgan “Developing WASH Standards for Schools” loyihasida institut xodimlari ishchi guruh a’zosi sifatida qatnashmoqda. Shuningdek, Yevropa Ittifoqi delegatsiyasi (YID) – USAID, KOICA, TIKA kabi tashkilotlar bilan ham hamkorlik aloqalarini yo‘lga qo‘yish bo‘yicha samarali ishlar amalga oshirilyapti. Bu borada YID bilan hamkorlikda TAIEX dasturi bo‘yicha grant loyihasi Yevropa Ittifoqiga kiritildi. TIKA bilan hamkorlik yuzasidan “Shahar rejalashtirish” loyihasi doirasida 20 nafar xodimni Turkiyaga malaka oshirishga jo‘natish bo‘yicha xat yuborilgan.

Xalqaro aloqalar va marketing bo‘limi tomonidan xorijiy ta’lim va ilmiy tashkilotlar bilan ham hamkorlik aloqalari rivojlanmoqda. Xususan, Research Institute Standards and Norms (RISN) va The Deutsches Institut für Bautechnik (DIBt) bilan memorandum imzonlangan. RISN instituiti bilan joriy yilning 8-may kuni memorandum imzolanib, “Yo‘l xaritasi” tasdiqlashga yuborilgan. Mazkur memorandumga asosan, bir qator muhim vazifalar bo‘yicha hamkorlik qilish belgilab olindi. Unga ko‘ra, shaharsozlik sohasidagi ustuvor hamda dolzarb yo‘nalishlar bo‘yicha asosiy yo‘nalishlarni, shuningdek, zilzilabardosh bino va inshootlar hamda ko‘prik tunnellar bo‘yicha milliy shaharsozlik normalari muhokamasini tashkil etish va ularni takomillashtirish, sohadagi dolzarb masalalar bo‘yicha qo‘shma tadqiqotlar olib borish, qurilishda narxlarni shakllantirish masalasida hamkorlik qilishga kelishib olingan.

Bundan tashqari, DIBT tashkiloti bilan ham memorandum imzolandi. Memorandum doirasida Yevrokodlar yuzasidan TAIEX loyihasi hamkorlikda Yevropa Ittifoqi delegatsiyasiga kiritildi. Shuningdek, Wuhan University of Technology (WUT), Tongji va South China Technology universitetlari (SCUT) bilan ham aloqalar yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, bugungi kunda hamkorlikda manfaatli ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, SCUT universiteti professori Hualong bilan hamkorlikda qiymati 2 mlrd so‘mga yaqin miqdordagi “Mikrostruktura nazoratiga asoslangan yengil, yuqori mustahkam betonning xususiyatlarini loyihalash, tayyorlash va o‘rganish” mavzusidagi ilmiy-amaliy grant loyiha Innovatsion rivojlanish agentligiga kiritilgan. Tongji universiteti bilan institutimiz xodimlarining stajirovkalarini tashkil qilishga, shuningdek, magistrlik darajasi hamda PhD, DSc dasturlariga nomzod berishga kelishib olingan.

Hamkorlik aloqalarini yanada rivojlantirish maqsadida institut xodimlari uchun xorijiy xizmat safarlari ham tashkil etilmoqda. 2024-yilning birinchi yarim yilligida institutimizning 20 nafar xodimi Janubiy Koreya, Xitoy, Ozarbayjon, Qozog‘iston, Rossiya Federatsiyasi, Fransiya davlatlariga shaharsozlik norma va qoidalarini modernizatsiya qilish, seysmologiya, energiya samaradorligi, qurilish sinov laboratoriyasi masalalari yuzasidan tajriba almashib qaytishdi.

Shuningdek, bo‘‘lim tomonidan hukumat qarorlari ijrosini ta’minlash masalasiga ham katta e’tibor qaratiladi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 17-apreldagi PQ-161-son qarori 1-ilovasi bilan tasdiqlangan “Yo‘l xaritasi”ning 19.1-bandiga muvofiq, seysmologiya va seysmik chidamli qurilish sohasida tadqiqot olib borayotgan yosh olimlarni nufuzli xorijiy oliy ta’lim hamda ilmiy-tadqiqot tashkilotlariga qisqa muddatli ilmiy stajirovkaga (stajirovka) yuborish bo‘yicha institutdan 2 nafar xodimning nomzodi Innovatsion rivojlanish agentligiga yuborildi. Mazkur qarorning 10-bandida seysmik xavfsizlikni ta’minlash va qurilish nazorati sohasi bo‘yicha rivojlangan xorijiy davlatlarga qisqa muddatli xizmat safariga yuborishni tashkil etish topshirig‘i ijrosini ta’minlash maqsadida Yaponiyaning Katahira tashkiloti bilan muzokaralar olib borilmoqda.

Shu bilan birga, bo‘lim tominidan xorijiy tashkilotlar bilan hamkorlik aloqalarini yanada rivojlantirish maqsadida qator takliflar ham ishlab chiqilgan. Jumladan, “Smart city” bo‘yicha xorijiy donor tashkilotlarni jalb qilish, xalqaro tashkilot hamda xalqaro fondlar (France Expertice tashkiloti, Chodiyev founds) bilan aloqalarni yanada kengaytirish, KOICA bilan hamkorlikda Koreyaning ODA grant 2-fazasini amalga oshirish bo‘yicha hujjatlarni topshirish, USAIDga institutning tegishli bo‘limlari tomonidan seymik mustahkam qurilish sohasi bo‘yicha grant loyiha ishlab chiqish hamda yuborish maqsad qilingan. Shuningdek, sun’iy intellektda loyihalash bo‘yicha chet davlatlar (Xitoy, Saudiya Arabistoni, BAA) tashkilotlari bilan hamkorlik aloqalarini yo‘lga qo‘yish, Wuhan texnologiya universiteti, Tongji universitetlari bilan hamkorlik aloqalarini memorandum orqali yanada mustahkamlash ham rejalashtirilmoqda.

# КАДАСТР ҲУЖЖАТИ янгиланиши шартми?

**АОКАда ўтказилган брифингда Кадастр агентлиги ахборот хизмати раҳбари Неъмат Атамуратов аҳолидан соҳага оид келиб тушган бир қатор саволларга жавоб берди.**





**– Ижтимоий тармоқларда ўзбошимчалик билан эгаллаган ер участкаларига эгалик ҳуқуқини бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинди, деган хабар тарқалди. Бу қанчалик тўғри?**

– Бу нотўғри хабар. Қонун қабул қилинса, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Юртдошларимизга бундай ёлғон ахборотларга алданиб қолмасликлари учун расмий мақомга эга бўлган ОАВларни кузатиб боришни тавсия қиламиз.

**– Якка тартибда уй-жой қурмоқчимиз, фирибгарларга алданиб қолмаслик учун қонуний равишда қай тартибда ер олсак бўлади?**

– Амалдаги қонунларимизга кўра, уй-жой қуриш учун ер участкаларини e-auksion.uz портали орқали очиқ онлайн аукционда иштирок этиб сотиб олишингиз мумкин. Агарда бошқа фуқарога тегишли ерни сотиб олмоқчи бўлсангиз, унда барча ҳаракатларни ўрнатилган тартибда тегишли ҳужжатлар билан нотариал идоралар орқали амалга оширишингизни тавсия қиламиз.

**– Мен ён қўшнимнинг уйини сотиб олиб, нотариал идора орқали расмийлаштирдим. Шу иккита ҳовли жой учун битта ҳужжат қилиб олсам бўладими?**

– Албатта, буни имкони бор. Бунинг учун Кўчмас мулкни бирлаштириш ва унинг янги чегараларини белгилаш юзасидан давлат хизматлари маркази ёки my.gov.uz орқали ариза қолдиришингиз керак бўлади. Аризангиз 13 иш кунида кўриб чиқилади.

**– Кадастр ҳужжатини ҳар 5 йилда янгилаб туриш керак экан, деб эшитдим. Мен кадастримни 2015 йилда қилдирганман. Ҳозир уни янгилашим керакми?**

– Бу нотўғри ахборот. Ҳар 5 йилда кадастр ҳужжатларини янгилаш керак, деган талаб қонунчилигимизда йўқ.

Кадастр паспорти қуйидаги ҳолларда расмийлаштирилади ёки қайта расмийлаштирилади:

– кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи хатлов ишлари бажарилганда;

– кўчмас мулк объектининг бир қисми бегоналаштирилганда ёки ер участкаси алоҳида бўлинганда;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари хусусийлаштирилгандан сўнг уларнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқ бошқа шахсга ўтганда;

– ер участкасининг майдони ёки чегара нуқталари ўзгарганда;

– кўчмас мулк объектининг манзилини белгилашда ёки ўзгартиришда;

– кўчмас мулк объектининг тоифаси ўзгарганда;

– ўз ер участкасида тегишли рухсатномаларни расмийлаштирмасдан қурилган бино ва иншоотлар мавжуд бўлганда.

**– Ўзбошимчалик билан уй қурган эдим, кадастр ходимлари томонидан жаримага тортилдим. Агар қурилмани бузсам жаримадан озод этиламанми?**

– Агарда ҳуқуқбузарга нисбатан МЖтКнинг 60-модда 2-қисми билан маъмурий иш очилган бўлса ва ҳуқуқбузар ноқонуний қурилмани ўз хоҳиши билан бузиб ҳолатни бартараф этса, бу ҳолда маъмурий иш 60-модданинг 4-қисми билан тугатилади ва ҳуқуқбузарлик бартараф этилганлиги боис жарима қўлланилмайди.

**– Бундан 5 йил олдин уй сотиб олган эдим. Яқинда кадастр ходимлари давлат рўйхатидан ўтказмагансиз, деб жарима ёзиб беришди. Бу қонуниймi?**

– Амалдаги қонунчиликка кўра, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар вужудга келганидан 1 ой ичида уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун мурожаат қилиш лозим. Ўз вақтида мурожаат этмаслик, МЖтКнинг 681-моддасига мувофиқ фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари, мансабдор шахсларга эса 15 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

**– Ерни хусусийлаштириш қандай тоифадаги ерларга амал қилади?**

– Аввало шуни айтишимиз керакки, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ерларга нисбатан амал қилади. Жумладан,

– юридик шахсларга тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари;

– Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй-жойни ободонлаштириш, шунингдек, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун берилган ер участкалари;

– хусусийлаштирилиши лозим бўлган давлат кўчмас мулк объектлари жойлашган ер участкалари;

– бўш турган ер участкалари.

**– Сўнгги пайтларда айрим ишларимда уй ҳужжатларининг кўчирмаси зарур бўляпти. Кўчирмани олиш учун давлат хизматлари марказига бориш шартми? Онлайн олишнинг имкони борми?**

– Кўчирмани онлайн юклаб олишни икки хил усулда амалга оширишингиз мумкин. Биринчиси, my.gov.uz порталида ариза бериш орқали. Хизмат автомат равишда бепул амалга оширилади. Иккинчиси эса, davreestr.uz портали орқали олишингиз мумкин. Бунда ҳам хизмат автомат равишда бепул амалга оширилади. Давлат реестридан мавжуд кўчирмани юклаб олиш учун мулкдор ўзининг шахсий кабинети орқали бош саҳифада жойлашган қидирув панелига кўчмас мулк объектининг кадастр рақамини киритади. Сўнгра, расмда пайдо бўлган кодни киритиб, излаш тугмаси босилади. Излаш тугмасини босганда кўчмас мулк объекти акс этган майдон вужудга келади. Шу ердан кўчирмани юклаб олиш деган тугмани босиб, юклаб олиш мумкин.

# Ўз ошиёнига эга оилалар кўпаймоқда

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида аҳолини уй-жой билан таъминлаш борасида кўп хонадонли турар жой массивлари, замонавий уйлар қурилиши жадал олиб борилмоқда. Жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда Самарқанд шаҳрининг “Қорасув” массиви, Булунғур туманининг “Ғўлтин” ва Ургут туманининг “Қуйи Камингарон” массивларида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш дастурлари асосида турар жойлар қад ростласа, Тойлоқ туманининг “Чароғбон” массивида ҳам кўп хонадонли турар жойлар қурилади. Бу эса яна кўплаб оилалар ўз ошиёнига эга бўлади дегани.**



Аҳамиятлиси, уй-жой таъминотида аҳолининг ижтимоий ҳимоясига ҳам эътибор қаратилиб, бу йўналишда субсидия ва имтиёзли кредитлар билан таъминлаш кўлами ортиб бормоқда. Олис ва чекка ҳудудларда аҳолининг муносиб турмуш шароитида яшашлари учун қад ростлаётган ўзига хос меъморий қиёфага эга бўлаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари мазкур аҳоли масканлари бугун том маънода Янги Ўзбекистоннинг кўзгусига айланиб бормоқда. Қисқа фурсатда ушбу массивларда барпо этилаётган замонавий уй-жойлар, мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари аҳолининг фаровон яшашига мустаҳкам замин яратмоқда.

Самарқанд вилоятининг Ургут ва Булунғур туманларида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш мақсадида “Янги Ўзбекистон” массивлари қурилиши жадал олиб борилмоқда.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан “Янги Ўзбекистон” массивлари ташкил қилинган, – деди Ургут тумани Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бошлиғи Фаррух Жамолов. – Бу ерда бош режа ишлаб чиқилиб, тегишли тартибда шаҳарсозлик кенгашлари томонидан тасдиқланган. Бош режага асосан ҳудудда жами 39,2 гектар ер майдонида 58 та, яъни 2 916 тадан иборат 9, 12, 16 қаватли кўп хонадонли уйлар қурилиши режалаштирилган. Бугунги кунда қурилиш объектларида қурилиш ва монтаж ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Аҳамиятли томони шундаки, қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивларида аввалдан турар жой ёки бошқа объектлар бўлган эмас, улар очиқ майдонларда бутунлай янгидан замонавий лойиҳалар асосида қурилмоқда. Массивлар асосан аҳоли истиқомат қилиши учун ташкил этилаётганини ҳисобга олиб, бу ерда мактаб, боғча, спорт ва маданият муассасалари, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари ҳам қурилмоқда. Марказлашган ичимлик суви, оқава тармоқлар ва бошқа зарур коммуникация тизимлари яратилмоқда. Бир сўз билан айтганда, номига муносиб кўркам турар жойлар бунёд этилмоқда.

– Бош режага асосан “Янги Ўзбекистон” массивининг концепцияси 2020–2026 йиллар давомида бажарилиши белгилаб берилган, шу аснода ҳозирда 35 тадан зиёд кўп қаватли уйлар қурилиши бошланган, – деди Фаррух Жамолов. – Ўтган йили 10 дан ортиқ кўп қаватли уйларимиз фойдаланишга топширилди. Ҳозирги кунда ҳам 18 та уйларда қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бош режага асосан, массив ҳудудида 8 тага яқин ижтимоий соҳа объектлари, хусусан 2 та мактаб, 4 та боғча, 2 та оилавий поликлиникалар қурилиши белгилаб берилган. Шулардан, бугунги кунгача 909 ўринли битта мактаб ҳамда битта 150 ўринли боғча фойдаланишга топширилди.

“Янги Ўзбекистон” массиви учун “Қуйи Камингарон” маҳалласи ҳудудидан қарийб 40 гектар ер майдони ажратилган бўлиб, 2022–2026 йиллар давомида 58 та уй, 2 916 та хонадон қурилиши режалаштирилган. 2023 йил давомида 15 та уй, 821 та хонадон фойдаланишга топширилди. Шунингдек, ушбу ҳудудда мактаб, боғча, оилавий шифокорлик пункти ва бошқа объектлар қурилиши ҳам белгиланган. Айни пайтда мазкур ҳудудда ҳам қурилиш ишлари жадал давом этмоқда.

Ўзбекистон инсон қадри улуғланган юрт. Самарқанд вилоятида уй-жой қурилиши ҳамда аҳолини таъминлаш борасида олиб борилаётган бу каби хайрли ишлар мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили ҳаётда нечоғлик ўз ифодасини топаётганидан далолат беради. Ўз ошиёнига эга бўлиш бахтига мушарраф бўлган ҳамюртларимизнинг хурсандчилиги, кўзидаги севинч ёшлари бир ҳақиқатдан далолат беради.

# Binoning tashqi ko‘rinishi qay tartibda o‘zgartiriladi?

**Sardor BAXRIDDINOV,** *Toshkent davlat yuridik universiteti talabasi, “Qomus” intellektual klubi asoschisi.*



**Hozirgi kunda yon-atrofimizdagi binolarning umumiy tashqi ko‘rinishi bevosita fuqarolarning o‘zlari tomonidan amalga oshirilmoqda. Bu holat esa shaharning umumiy infrastrukturasiga salbiy ta’sir ko‘rsatishi bor gap. Bu kabi holatlarning oldini olish maqsadida O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2022-yil 20-apreldagi 200-son qaroriga binoan, “Bino va inshootlarning tashqi ko‘rinishini o‘zgartirishni kelishish bo‘yicha davlat xizmatlarini ko‘rsatishning Ma’muriy reglamenti” qabul qilingan.**

Ushbu Reglamentning 3-bandiga asosan, bino va inshootning, yakka tartibdagi uy-joyning tashqi ko‘rinishini o‘zgartirish bo‘yicha agar bino va inshoot, yakka tartibdagi uy-joy, magistral ko‘chalar, xalqaro, davlat ahamiyatiga ega bo‘lgan avtomobil yo‘llari bo‘ylab joylashgan hollarda fasad maydonining 25 foizidan ortiq qismidan qat’iy nazar, kelishish talab etiladi. Yakka tartibdagi uy-joylar, tumanlarning ma’muriy markazi bo‘lmagan shaharchalarda, qishloq aholi punktlari (qishloq va ovullar)da hamda aholi punktlari tashqarisida joylashgan bino va inshootlarning tashqi ko‘rinishini o‘zgartirish uchun kelishish talab etilmaydi.

Fuqarolar, ya’ni, binoga egalik qiluvchi jismoniy va yuridik shaxslar bino-inshootning tashqi ko‘rinishini o‘zgartirish niyatida bo‘lsa, inshoot fasadining eskiz loyihasini tuman yoki shahar qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi bo‘limlari bilan kelishadilar. Ushbu holatda Reglamentning 8-bandiga ko‘ra, ariza beruvchilar bevosita Davlat xizmatlari markaziga yoki elektron tarzda haftaning istalgan kunida, bayram va dam olish kunlaridan qat’i nazar yuborishlari mumkin bo‘ladi.

